

## **А Ж Р И М**

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2020 йил 17 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Қ шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Қ.А нинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Анинг котиблигида, Қ шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Р, гумон қилинувчи И.Э ҳамда унинг ҳимоячиси-адвокат М.И, жабрланувчи С.Аларнинг иштирокида

Э.И.Ш, 1989 йил 24 июлда Д туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, ёлланма ишчи, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, Д тумани, К қишлоғи, 72-уйда яшовчи,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1503-2003/675-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Дастлабки тергов органи томонидан Э.И.Ш 2020 йил 23 ноябрь куни соат 10:10 ларда ўзини бошқарувидаги “Нексия-1” русумли, 40 F 806 JA давлат белгили автомашинани Қ шаҳар, Т кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетаётган вақтида ушбу кўчада жойлашган 138-кўп қаватли уйнинг олди қисмига етиб келган вақтида фуқаро А.С.Ш ўзини бошқарувида бўлган “Жентра” русумли, 40 А 718 SA давлат белгили автомашинани иккинчи даражали йўлдан асосий йўлга йўл бермасдан ҳаракатланиб чиққанлиги юзасидан жанжаллашиб, жанжал давомида фуқаро И.Э қўллари билан фуқаро С.Анинг юз соҳасига бир маротаба уриб, унга ўртача оғир тан жароҳати етказганликда гумон қилинувчи сифатида жалб қилинган.

Суд-тиббий экспертизанинг 2020 йил 26 ноябрь кунги 6007-сонли хулосасида, фуқаро С.А да бурун суягини ёпиқ синиши, бурун тўсиғини чап томонга қийшайиб, деформацияланиши ва нафас олишни бурун орқали икки томонлама ҳам бузилиши билан, ўнг кўз пастки қовоқ соҳасида ва бурун ўнг ён юзасида қонталашлари аниқланиб, бу жароҳатлари йигирма бир кундан кўп бўлган муддатга соғлигини бузилишига олиб келувчи ўртача оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 584,585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Гумон қилинувчи И.Э жабрланувчи С.А билан ярашганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Э.И.Ш га оид 1-1503-2003/675-сонли жиноят иши тугатилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.



Раислик қилувчи:

Қ.А

Хужжат имзоланган: Абдуллаев Қобулжон Ғуломжон ўғли, 30.12.2020

